O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
12 DEKABR
PAYSHANBA
№ 152 (27.011)
1918 yil
21 iyundan
chiqa boshlagan.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАҲОН ЕТАКЧИЛАРИ ОРАСИДА ЭНГ ЮҚОРИ РЕЙТИНГ ЭГАСИ

Шу кунларда Американинг ижтимоий тадқиқотлари билан дунёга танилган нуфузли Пью Рисерч Сентер тадқиқот маркази 2002 йилда дунёнинг асосий 44 та мамлакатида ўтказилган «Глобал ижтимоий муносабат» ижтимоий фикр сўрови натижаларини эълон қилди. МДҲ мамлакатларидан сўров Ўзбекистон, Россия ва Украинада ўтказилди.

Сўров натижалари кўрсатдики, мамлакатлар фуқароларининг ўз етакчиларига муносабати жиҳатидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов дунё давлат раҳбарлари орасида энг юқори рейтингга эга, сўралганларнинг 95 фоизи унга хайрихоҳлик билдирган. Муқояса қилинадиган бўлса, Президент В.Путин фаолиятини 85 фоиз, Президент Ж.Бушни 71 фоиз, Франция Президенти Жак Ширакни 62 фоиз, Германиянинг федерал канцлери Герхард Шредерни 57 фоиз, Буюк Британия Бош вазири Тони Блэрни 54 фоиз, Президент Л.Кучмани эса 33 фоиз аҳоли қўллаб-қувватлаган.

Сўров натижаларига кўра Ўзбекистон аҳолисининг 62 фоизи мавжуд иқтисодий вазиятни жуда қулай деб баҳолайди, бу эса Хитой (92 фоиз), Канада (70 фоиз), Буюк Британия (65 фоиз)дан сўнг тўртинчи кўрсаткичдир. Россия ва Украинада ушбу кўрсаткич тегишлича 13 ва 10 фоизни ташкил этган.

Дунёнинг тадқиқ этилаётган мамлакатлари аҳолисининг мамлакат ички сиёсатига муносабатини баҳолаш мақсадида мазкур мамлакатда яшаётганингиздан розимисиз, деган мазмунда савол берилган. Сўров натижаларига кўра Ўзбекистон аҳолисининг 69 фоизи ўз мамлакатида яшаётганидан рози эканини билдирган. Кейинги ўринларда Канада (56 фоиз), Хитой (48 фоиз), АҚШ (41 фоиз), Чехия (36 фоиз), Буюк Британия (32 фоиз) туради. Россияда бу кўрсаткич 20 фоизни, Украинада бор-йўғи 10 фоизни ташкил этган.

Шуни айтиш керакки, Американинг мустақил ижтимоий маркази тадқиқотларидан бутун дунёдаги сиёсий арбоблар, илмий, жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари кенг фойдаланади. У ўтказган глобал сўров натижалари халқаро оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама этилмоқда. Сўров натижалари Ўзбекистон танлаган мустақил тараққиёт йўли тўғри ва самарали эканини ҳамда мамлакатимиз аҳолиси Президент Ислом Каримов олиб бораётган ислоҳотлар йўлини қўллаб-қувватлашини яна бир бор исбот этди.

■ (ЎзА)

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси 12 декабрь куни эрталаб соат 10.00 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 12 декабрь куни эрталаб соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

ТАҲЛИЛ ВА ШАРҲ

СОҒЛОМ ИЖТИМОИЙ МУҲИТ МАСКАНИ

Халқимиз иродаси, руҳияти ва маданиятини ўзида мустаҳкамлаб этган, давлатимизни давлат, миллатимизни миллат сифатида дунёга танитган Қомусномамиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги тантанаси — ўтган ҳафтамизнинг бош воқеаси бўлди.

Мазкур тантанада давлатимиз раҳбари Ислом Каримов катта нутқ сўзлаб, ҳар бир инсон эркинлиги мустаҳкам муҳрлаб қўйилган, мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва бурчлари бир-бирига уйғунлаштирилган, пировардида, ривожланишимизнинг гарови — тинчлик, осойишталик ҳамда тотув ҳаёт асослари белгилаб берилган Бош қонунимиз моҳияти ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

«...Биз олиб бораётган давлат сиёсати, биз қураётган давлат тизими, барпо этаётган янги жамият, ҳаётимизда қарор топаётган эзгу қадриятлар замирида, аввало, Ўзбекистоннинг буюк келажагини ўйлаб, йиллар давомида шу олижаноб ишга ўз ҳиссасини қўшган, ана шу пойдеворнинг тамал тошини қўйган инсонларни улуғлаш, уларни рози қилишдек олижаноб мақсад мужассам, — деди Йўлбошчимиз ўз нутқида. **— Шу маънода кейинги йилларда эълон қилинган Инсон манфаатлари ёки Оила йилини оласизми, Аёллар, Соғлом авлод, Оналар ва болалар йили ёки мана шу Қарияларни қадрлаш йилини оласизми — буларнинг барчаси бир-бири билан мантиқий асосда, ўзаро узвий боғланганини кўрамиз».**

Бу узвий боғлиқлик ҳадемай кириб келадиган янги — 2003 йилда ҳам давом этади. Юртбошимиз янги йилга ана шундай орзулар билан қараётган халқимизнинг фикрини, кайфиятини инобатга олиб, 2003 йилни **«ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ»** деб эълон қилишни таклиф қилди.

Дарвоқе, бундан кўзланган мақсад нимада?

Аввало, «Обод» деган сўзнинг ўзи нақадар хуш ва ёқимли. У нафақат кўҳли, кўркам, тароватли, чиройли дегани, у — саранжом-сариштalik, файзу фаришталик, тинчу осойишталик, меҳр-оқибат, аҳли жипслик, омаду ўнглик, қуту барака дегани ҳамдир. Қолаверса, ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели — **маҳалла** халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда, улкан тарбиявий вазифани ҳам бажармоқда. Айни шу маънода **«Барчангиз яхши биласиз,** — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари, — **«Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла» деган ҳикматда жуда катта маъно бор.**

Агар биз бу иборанинг ҳақиқий мазмунини сўзда эмас, амалда намоён этмоқчи бўлсак, шу маҳаллада яшайдиган ким бўлмасин — бева-бечора ёки ногирон бўладими, омади келмаган бирон-бир оила бўладими, ёлғиз қолган қария бўладими — буларнинг барчасига нафақат моддий ёрдам беришимиз, аввало, меҳр-эътибор қаратишимиз зарур».

Ҳаётнинг ўзи маҳалла тарбия ўчоғи эканлигини яна бир бор шаҳодатлаб, унинг зиммасига замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, янги-янги вазифалар юкламоқда, мақомини — нуфузини оширмоқда.

Президентимиз **«маҳалла том маънода ота-оналик вазифасини ўтайдиган даражага етиб»** бориши учун, аввало, давлат кўмагини янада кучайтириш тўғрисида қатор ибратли таклифлар билдирди. Масалан, маҳаллага тегишли ҳуқуқий ваколатлар бериш, унинг низомини қайта кўриб чиқиш, махсус давлат дастури қабул қилиш, имкониятларини кенгайтириш, моддий негизини мустаҳкамлаш... Жумладан: **«Маҳалланинг туман ва шаҳар ҳокимликлари, маъмурий ва ҳуқуқни ҳимоя қиладиган ташкилотлар билан, керак бўлса, ижтимоий, нодавлат, сиёсий ташкилотлар билан алоқаларини расмий, яъни ҳуқуқий асосда йўлга қўйиш, бу борада ечилмаган барча муаммоларни қонуний тарзда ҳал этиш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди».**

Бу қадар эътибор, бу қадар ғамхўрлик, ишонч ва умид нимадан далолат? Бир сўз билан айтганда, Обод маҳалла — соғлом ижтимоий муҳит маскани. Шу маънода, уни кучли давлатдан — кучли жамият сари бораётган фуқаролик жамиятимизнинг демократия дарсхонаси, тарбия ва қадриятларимиз ўчоғи деб ҳам таърифлаш мумкин.

■ Номоз САЪДУЛЛАЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ



■ Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ЭЗГУЛИКНИНГ ҚАДР-ҚИММАТИ

Жиззахда Ўзбекистон Қаҳрамонлари яна биттага кўпайди. Мамлакатимиз Мустақиллигининг ўн бир йиллиги арафасида Абдулла Қодирий номидаги Жиззах педагогика олийгоҳи қошидаги иқтидорли болалар лицейи директори Марат Зокиров Ватанимизнинг юксак унвонига муносиб деб топилди.

Қаҳрамон билан учрашиш мақсадида лицейда бўлдик. Бизни юз-кўзларидан нур ёғилиб турган зиёли инсон ўзбекона лутф билан қарши олди.

— Сиз излаган Марат Зокиров шу киши бўладилар, — деди ҳамроҳимиз Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг биринчи котиби Маматқул Иномов.

Марат ака билан суҳбатимиз тезда қовушиб кетди.

(Давоми 4-бетда)

ДИҚҚАТ: ЯНГИ РУКН!

ОБОД МАҲАЛЛА — МАМЛАКАТ КЎРКИ

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти ҳузурида «Маънавият ва қадриятлар» жамоатчилик кенгаши иш бошлади

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб аташ тўғрисидаги таклифи ҳар бир ўзбекистонлик хонадонига, маҳаллага қанот қоқиб кириб борди, дейиш мумкин.

Қутлуғ кунда туғилган бу қутлуғ ташаббус ўша кезлардан бошлаб, шаҳар, қишлоқ, овул, маҳалла-кўй, гузар, мавзе ва даҳалардаги даврaларга, гурунгларга кўр ташлади. Мухтасар қилиб айтганда, таклифни кўп миллатли халқимиз катта қувонч билан кутиб олди, қўллади, қувватлади.

Зеро, 90-йиллар бошида Юртбошимиз Фармонига биноан «Маҳалла» хайрия жамғармасининг тузилиши маҳалланинг миллий-анъанавий тарбия қўрғони эканлигини ўтган йиллар тажрибаси яна бир бор тасдиқлади. Эндиликда унинг зиммасига замон талабларидан келиб чиқиб, янгидан-янги вазифалар юкланмоқда, мақомининг нуфузи ҳам масъулияти ҳам, шубҳасиз, ҳар қачонгидан ошиб бормоқда.

Президентимиз айни шу нуқтаи назардан ўз нутқида, **МАҲАЛЛА** — кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни самарали йўлга қўйиш учун беқиёс имкониятларга эга тимсолсиз гўша эканлигини алоҳида таъкидлади.

Дарвоқе, миллий қадриятлар, урф-одатлар, удумлар, меҳр-оқибат, шафқат, мурувват, саховат, қадр-қиммат, хайру эҳсон ва барча савобли ишлар ҳамда эл-юрт шаъни учун кураш каби фазилатларни камол топтиришда маҳалла муҳим аҳамиятга эга. Бунда азалий миллий қадриятлар ва удумларга таянилган ҳолда кексаларнинг панд-насиҳати, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги мисолида кишилар онгига эзгулик ғоялари сингдириб борилади. Маҳаллада аҳолининг хулқ-атвори ва ўзаро муносабатларини адолат, маънавият ҳамда қадрият мезонлари асосида тартибга солиб турилади.

Шу муносабат билан мазкур мавзуларни кенг, изчил, халқчил ва оммавий ёритиб бориш мақсадида **«Ўзбекистон овози»** газетаси таҳририяти ҳузурида «Маънавият ва қадриятлар» жамоатчилик кенгаши тузилди. Кенгаш таркиби Ватанимизнинг обрў-эътиборли кишилари — оқсоқоллар, олимлар, ёзувчилар, ҳуқуқшунослар, журналистлар ва мутахассислардан тузилди.

Кенгаш учун газетамиз таҳририятидан махсус хона ажратилди. Маҳаллалар ҳаётидан ёзиб юборилган хат-хабарлар, шикоятлар, қўнғироқ орқали билдирилган фикр-мулоҳазалар кенгаш аъзолари томонидан ўрганиб чиқилади.

Тайёрланган материаллар — «ОБОД МАҲАЛЛА — МАМЛАКАТ КЎРКИ» рукни остида изчил чоп этилади.

Кенгаш манзили: 700000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, «Ўзбекистон овози» газетасининг «Маънавият ва қадриятлар» жамоатчилик кенгаши.

Телефон: 133-20-36.

2-БЕТ

ЖУМБОҚ

Қадим донишмандлар демишлар бундоқ:
— Уч одамнинг бири Хизр эрур, боқ.
Мен-ку ишонаман, Хизрдир бири,
Қолган иккови ким? Буниси жумбоқ!

Абдулла ОРИПОВ
2 декабрь, 2002 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

11 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари, иккинчи чақириқ парламентининг ўнинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи раҳбари Б.Бугровнинг сессияга тайёргарлик даврида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлиснинг бўлғуси сессияси муҳокамасига киритилаётган масалаларни муҳокама этдилар ва уларни ўнинчи сессия ишининг кун тартибига киритишни депутатларга тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Парламент қўмиталари ва комиссияларининг раислари Олий Мажлиснинг ўнинчи сессияси муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳалари ва бошқа ҳужжатларнинг қай даражада тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, сессия ишини ташкил этиш юзасидан фикр алмашдилар.

Кенгаш молия вазири М.Нурмуродовнинг ҳамда парламент Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2002 йил тўққиз ойидаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилга мўлжалланаётган Давлат бюджетининг лойиҳаси ҳақидаги ахборотини тинглади. Йиғилиш қатнашчилари мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг жорий йил тўққиз ойидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг келгуси йил учун мўлжалланаётган Давлат бюджети лойиҳасини маъқулладилар ва уларни парламентнинг ўнинчи сессияси муҳокамасига киритиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидованинг маърузаси асосида Кенгаш Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия таркибига ўзгартишлар киритди.

Йиғилиш қатнашчилари Олий Мажлис ўнинчи сессиясининг Котибияти таркибига тавсия этилаётган, сиёсий партиялар депутатлар фракцияларининг, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари депутатлари блокларининг раҳбарлари билан келишиб олинган номзодларни ҳам кўриб чиқдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ЎзХДП АХБОРОТИ

ХДП ФРАКЦИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

2002 йил 10 декабрда Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси ўзининг навбатдаги мажлисини ўтказди. Йиғилишда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси X сессияси муносабати билан Ўзбекистон ХДП фракциясининг вазифалари аниқланди.

Фракция раиси, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Изидор Кочмарик ўзининг кириш сўзида фракциянинг Олий Мажлис ўнинчи сессиясига тайёргарлиги, Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасининг сессияда қабул қилиниши мўлжалланаётган муҳим қонунлар лойиҳаларига оид тавсиялари каби масалалар хусусида тўхталди. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Молия вазири Мамаризо Нурмуродов 2003 йилга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг лойиҳаси ва унинг асосий хусусиятлари тўғрисида йиғилганларга ахборот бериб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Партиядан сайланган Олий Мажлис депутатлари И.Бойжонов, Ф.Омонов, М.Анварова ва бошқалар 12 декабрда очиладиган парламент сессиясида муҳокама қилиниши кутилаётган қонунлар лойиҳаларини асосан маъқуллаб, шу билан бирга, уларнинг айримларини қиёмига етказиш мақсадида қатор таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Мажлис ниҳоясида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг тавсияси ва бўлиб ўтган муҳокамада билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида партия фракциясининг Олий Мажлис X сессияси ҳужжатлари лойиҳаларига оид нуқтаи назари ишлаб чиқилди ҳамда депутатларга тегишли тавсиялар берилди.

■ Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

СПОРТ

ТАЭКВОНДОЧИЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

Таэквондо (ITF) бўйича Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўтган Европа очиқ чемпионатида мамлакатимиз терма жамоаси ҳам муваффақиятли иштирок этди. Нуфузли мусобақада спортчиларимиз учта олтин, уч кумуш ва иккита бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида йигирмадан ортиқ давлат вакиллари орасида фахрли учинчи ўринни эгалладилар.

Таэквондочиларимиздан Алла Ким (иккита), Далер Қурбоновлар олтин, Шаҳноза Шуҳратжонова, Михаил Чистяков, Леонид Лилар кумуш, Флюра Бектемирова ҳамда Владимир Пягайлар бронза медаллари билан тақдирланишди.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«МЕН... ЕТТИНЧИ БЎЛИМДАНМАН...»

сарлавҳали танқидий мақоламизга Сурхондарё вилоят прокурори ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Х.Ў.АБДУВОҲИДОВ имзоси билан жавоб хати келди

«...вилоят прокуратураси томонидан, — дейилади хатда, — «Ўзбекистон овози» газетасининг 2002 йил 29 октябрь сонида чоп этилган «Мен.. еттинчи бўлимданман...» сарлавҳали мақола кўриб чиқилди.

Аниқланишича, фуқаро Ражапов Хайрулла Жўраевич вилоят худудидаги айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларига ва фуқароларга ўзини «...мен ... нинг ўғли Улуғбек бўламан, ...нинг 7-бўлимида ишлайман...» деб таништириб, уларнинг ишончига кириб, алдаб, пул ва бошқа моддий товар қийматликларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлиги ҳолати юзасидан 2002 йил 10 октябрь куни Денов туман ИИБ ТБ терговчиси М. Бобоназаров томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан 9/4474-сонли жиноят иши қўзғатилган.

Мазкур жиноят иши юзасидан олиб борилган тергов ҳаракатлари натижаси бўйича Х.Ж.Ражапов 2002 йил 20 октябрь куни ишда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми «б» банди ва 165-моддаси 2-қисми «а» банди билан айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этилди ҳамда унга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қўлланилди.

Жиноят иши юзасидан тузилган айблов хулосаси 25.10.2002 йил куни Денов туман прокурори томонидан тасдиқланиб, мазмунан кўриб чиқишлик учун жиноят ишлари бўйича Денов туман судига юборилди...»

ОБОД МАҲАЛЛА — МАМЛАКАТ КЎРКИ

Маҳалланинг аҳамияти ва ўрни ҳақида гапирганда, инсоннинг, оиланинг маънавий олами, ундан хабардор бўлиш, уни англаш, бу руҳий дунёга қўполлик билан аралашмасдан, унинг ижобий асосда шаклланишига нозиклик билан таъсир ўтказишда, ўйлайманки, маҳалладек идорага тенг келадиган бошқа бирон-бир восита йўқ.

Ислом КАРИМОВ

МУҚАДДАС МАСКАН

Маҳалла — табаррук гўша, муқаддас маскан. Шу боис ҳам мустақилликнинг илк йилларидаёқ узоқ мозийга тенгдош маҳаллаларга, яъники маънавиятимиз илдизларига эътибор берилди. Президентимизнинг маҳаллага юксак эътиборлари эса ўзига хос, дунёда бошқа ўхшаши йўқ ўзини-ўзи бошқариш органининг нуфузини оширди.

Наманган вилоятида ҳам 2003 йил — «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши мамнуният билан кутиб олинди.

— Юртбошимизнинг Конституциямиз 10 йиллигига бағишлаб ўтказилган анжуманидаги нутқлари вилоятда мавжуд бўлган 736 та маҳалла фуқаролар йиғинларида қувонч билан ўрганиб чиқилмоқда.

Албатта, маҳалланинг нуфузи баланд. У фуқаролар қўним топадиган, тинч-осойишта яшашлари лозим бўлган маскан. Айни вақтда унинг ўзига яраша муаммолари ҳам бор. Жумладан, маҳаллаларнинг тараққиёти, равнақи, йўналиши бўйича биз жамғармадагилардан сўров катта. Дейлик, у ёки бу муаммо юзага келса жамғармадан сўраганлари ҳолда, аслида бу фонд катта ваколатга эга эмас. Шу боис, «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунга жамғарма мақоми ва маҳаллани бошқаришдаги ўрни аниқ кўрсатилса, деган умиддаман.

Иккинчи масала, бу жамоатчилик назоратини ташкил этишга дахлдор. Таассуфки «назорат ўрнатиш керак» дейилаверади-ю, аслида бизда ва маҳаллада бу борада ҳеч қандай ҳуқуқий ваколат йўқ. Мен шу соҳада ҳуқуқий ечимга эришиш лозим, деб ҳисоблайман.

■ Ботиржон НАБИЕВ, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Наманган вилоят бўлими раисининг ўринбосари.

— Маҳалламиз Мустақиллик билан тенгдош. Юртбошимиз ташаббуслари билан 90-йилларда ер берилган жойлар ҳозир бус-бутун маҳаллаларни ташкил этди. Ҳудудимизда 4000 нафарга яқин аҳоли яшайди. Аҳолининг ўртача ёши 21 ни ташкил этади. Газ, электр, ичимлик суви муаммоси ечилган. Вилоят «Автотеххизмат» ҳиссадорлик жамияти кўмагида ва ўзимиз ҳашар йўли билан 80 фоиз йўл асфальтланган. Ишқилиб маҳалламиз обод маҳаллалар сирасига киради.

Ўтган йили Германия ва Швейцарияда бўлдим. Конрад Аденауэр жамғармаси танловида ғолибликни қўлга киритганим эвазига берилган йўлланма туфайли ўша узоқ юртлардаги қуйи бошқарув бўғинлари фаолияти билан танишдим. Очиғи бизнинг маҳаллалар улар олдида анча мукаммал. Тарихий асоси борлиги туфайли маҳаллаларимиз жуда тез оёққа турди.

Агар «XXI аср маҳалласи» конвенциясига мувофиқ масала моҳияти идрок этилса, маҳалланинг икки дастлабки асоси мавжуд, назаримда. Яъни маънавий асос. Булар тарихий анъаналар ва Президентимиз асарларида маҳалла фаолиятига етарли йўл-йўриқлар берилгани. Иккинчидан, ҳуқуқий базаси ҳам етарли. Қонунлар устида озгина ишланса база мукаммал бўлади. Учинчи, яъни маҳалланинг моддий базаси устида кўпроқ бош қотиришимиз лозим. Бунинг учун менимча, биринчидан, маҳалла ҳудудидаги маиший хизмат шаҳобчалари тасарруфини ўзини-ўзи бошқариш органларига бериш, ер майдонлари ажратиш, ишлаб чиқариш кичик корхоналари ташкил қилиш учун бўш иморат ва майдонларни маҳаллаларга имтиёзли бериш лозим.

Коммунал тўловларни ундириш ҳам маҳалла имкониятидаги масала. Фақат қўшимча штат чоралари кўрилса бас.

■ Юсуфжон ЗОКИРОВ, Наманган шаҳридаги «Меҳнатобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ВАТАН ИЧРА МЎЪЖАЗ ВАТАН

Мусулмон оламида юксак нуфузга эга бўлган пиру комилимиз — ҳазрат Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги жаҳон миқёсида кенг нишонланиши айнан «Обод маҳалла йили»га тўғри келмоқда. Бундай мўътабар амаллар билан йилнинг бошланиши халқимиз учун муҳим аҳамият касб этади.

Маҳалламиз Хўжаи жаҳон мақомига эга бўлган ул зоти шарифнинг номлари билан аталади. Президентимиз Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратлари қадамжосини зиёрат қилган чоғларида бу ерни ободонлаштириш юзасидан қимматли маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар бергандилар. Ҳазратнинг юбилейлари муносабати билан маҳалламизда катта миқёсда қурилиш-ободонлаштириш юмушлари бажарилиши режалаштирилмоқда. Зиёратгоҳнинг умумий майдони 6 гектарни ташкил этади. Бунда асосан кўналамзорлаштириш ишлари бажарилибгина қолмай, балки Ғиждувон миллий ҳунармандчилик музейи ташкил этилади. Ҳазратнинг мақбаралари ҳамда Мирзо Улуғбек қурдирган мадраса таъмирланади. Бу жойларда ободонлаштириш ишлари олиб борилади. Равон йўллар, хиёбону кўчалар барпо этилади. Хуллас, маҳалламиз қиёфаси тубдан ўзгаради.

Маҳалла — Ватан ичидаги ватан. Уни обод этиш, яшнатиш, Ватан қорига ярайдиган фарзандларни тарбиялаш ҳам фарз, ҳам қарздир. Шу боис маҳалламиз аҳли ҳозирданоқ белни маҳкам боғлади.

■ Нусрат ОСТОНОВ, Ғиждувон шаҳар Абдулхолиқ Ғиждувоний маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

МУАММО ЕЧИМИНИ ТОПМОҚДА

ИККИ ДАРЁ

ЯШОВЧИ АҲОЛИ СИЗОТ СУВЛАРИ КЎТАРИЛИШИДАН АЗИЯТ ЧЕКИБ КЕЛАЁТГАН ЭДИ. РЕСПУБЛИКА ҲУКУМАТИ ВА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ ОЛИБ БОРАЁТГАН САЪЙ-ҲАРАКАТИ НАТИЖАСИДА БУ МУАММО БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

Инобат ая етмишни қоралаганда бу қадар ташвишда қолишини ўйламаганди. Гап шундаки, ҳовлисини сизот сувлари босди. Олдинлари томорқада ғилқиб ётган сув аста-аста кўтарилиб, ҳовлини, кейин уйларни ҳам қоплади. Уйларнинг поллари сувга бўкди. Худди денгиз бўйидагиларга ўхшаб хавотир билан яшай бошладилар. Пойдевори сувда қўллаб турадиган иморатнинг тархи қолармиди?! Тутдек тўкила бошлади. Шўрлаб, уйларнинг шифтигача зах чиқди.

Оилада ташвиш кучайди. Ёзда пойдеворини баланд қилиб бир уй қўққайтиришди ва ўша жойга кўчиб олишди. Ҳозир битта уйда Инобат ая, бир этак бола-чақаси билан ўғли ва келини яшамоқда. Бир неча йиллик муаммога ниҳоят ечим топилганидан ҳурсанд бўлишмоқда, шу кунда.

— Шукр, арзимизга қулоқ тутишди, — дейди ая уйида бўлганимизда. — Оллоҳнинг инояти билан кейинги бир ҳафтада кўллаб ётган сувлар икки қаричгача пасайди. Ўтган куни уйимизга вилоят ҳокими келдилар ва айтдиларки, ҳукуматимиз ҳам кўмак кўрсатмоқда экан. Тез кунларда сув сатҳи яна бир метргача пасаяркан. Улуғ айём кунлари бизни ўйлаганларнинг илоҳим умрлари узун бўлсин...

Норин тумани маркази — Ҳаққулобод шаҳрининг Тўйчи Мусаев кўчасида яшовчи Инобат ая Мамасолиеванинг хонадони бошқаларники олдида бир нави экан. У кишига девор-дармиён қўшни Зокиржон Ғаниевларникида аҳвол бундан баттар. Томорқада бирор туп кўчат қолмаган. Ҳаммаси қуриб битган. Ўзбекнинг хонадони мевасиз, дов-дарахтсиз жуда хунук кўринар экан.

Шаҳар ҳокими, етти ой муқаддам иш бошлаган Зафар Назаров берган маълумотларга қараганда, Ҳаққулободда жами 5966 та хонадон бор. Уларнинг 2420 тасида аҳвол шу кўйга келган. Ачинарлиси, экологик муаммодан аввало, шаҳарнинг ўсимликлар дунёсига шикаст етди.

Юзага келган вазият туфайли, айни вақтда, туман иқтисодиёти, катта-катта бино ва иншоотлар ҳам зарар кўрди. Энг ачинарлиси қишлоқ хўжалик экинларига, айниқса, пахтага талафоти кўп бўлди. Кўплаб далаларга парвариш даврида техника киролмади. Доимо нам ичида ўсган пахтанинг сифати бузилди, толаси заиф, чигити пучроқ бўлиб қолди. Қисқаси кейинги йилларда пахтакор меҳнатни қилиб шартномавий режани бажаролмай қолмоқда. Бу йил ҳам режа 97 фоизда қолиб кетди.

Хўш аҳволнинг бу даражага келиб қолишига сабаб нима? Республика ва вилоят мутахассислари хулосасига кўра, тумандаги мавжуд 102 та тик дренаж қудуқлари умуман ишламаган. Шу жумладан, Ҳаққулобод шаҳрида ер ости сувларини қочириш учун ўрнатилган 36 та тик қудуқларни ҳам тўла ишлатишга эришилмаган. Ҳудудга ер ости сувлари кириб келишини тўсиб қолувчи заканларни қазиш ва тозалаш кейинги йилларда тўхтаб қолган.

Булардан ташқари ташвишли ҳолатга сабаб бўлувчи қатор табиий-тарихий омиллар ҳам бор. Жумладан, туман ҳудуди икки дарё оралиғида жойлашган. Шимол тарафидан Қирғизистон тоғларидан келадиган Норин дарёси ва жанубида эса Қорадарё оқиб ўтади. Ана шу шимол тарафдаги катта Фарғона, Шимолий Фарғона, Катта Наманган ва Андижон каналларига сув берадиган Норин дарёсининг сатҳидан Ҳаққулобод шаҳри нисбатан паст рельефда жойлашган. Агар сизот сувларини пасайтириш чоралари кўрилмаса шаҳар сув ичида қолиши мумкин. Яъни мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидаги каби деҳқончиликка бирдай ёндашув ҳам пировард натижада юқоридаги каби оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан, вегитация даврининг муддатидан ортиб кетиши ёки аҳолининг шоли экишга ружу қўйиши аҳволни мураккаблаштиради, холос.

Хуллас, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш лозим бўлди. Республикамиз ҳукумати масалага эътибор билан қаради.

ДИҚҚАТ, КЎРГАЗМА!

ҲАММАСИ ХАЛҚ УЧУН, ИНСОН УЧУН

Республика озиқ-овқат улгуржи савдо ярмаркасидан репортаж

■ Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар

Пойтахтимизнинг муҳташам ва ҳамиша гавжум кошоналаридан бири — «Ўзбекистон» теннис саройи 9 декабрдан бошлаб, одамлар билан яна лиқ тўлди. Бу гал фақат бу ерга юзлаб спортчилар ва уларнинг минглаб ишқибозлари эмас, мамлакатимизнинг йирик саноат корхоналарида янги — 2003 йилда тайёрланиши кўзда тутилаётган турфа озиқ-овқат маҳсулотларининг ишлаб чиқарувчилари, диллерлари, савдо ходимлари, харидорлари ва мухлислари келишган.

Президентимиз Ислом Каримов асарларидан олинган ва кўринарли жойга катта-катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган иқтибосни ўқиймиз: **«Халқимиз тўкин-сочин яшашга ва чиройли кийинишга, инсонга муносиб турмуш шароитига эга бўлишга тўла ҳақлидир».**

Ярмаркада ўз маҳсулотлари билан иштирок этаётганлар мундарижасига назар ташлаймиз: «Ўзбексавдо», «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг», «Ўзбалиқ», «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниялари; «Ўзгўштсутсаноат», «Ўзпарандасаноат», «Озиқовқатсаноат», «Ёмойтамакисаноат» уюшмалари, «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси, «ЎзМАДпарранда-холдинг» компанияси... улар тасарруфидаги ўнлаб йирик қўшма корхоналар ва каттакичик савдо ташкилотлари, тадбиркорлар, фирмалар, тижорат ходимлари, мутахассислар...

Кўргазма бўлимлари бўйлаб айланамиз: мева, сабзавот, гўшт, сут, балиқ, ёғ-мой, нон-булка ва парранда маҳсулотлари... хилма-хил антиқа ширинликлару ранго-ранг ичимлик турлари, пардоз-косметика моллари, тозалик-саломатлик товарлари... Уларни ишлаб чиқараётган «Muzimpex — Tijorat», «Самарқанд — Прага», «Росси С.А», «Нема — КК», «Коко-Кола ичимлиги — Ўзбекистон ЛТД», «Безак» — Ўзбекистон — Гонконг», «GL — Ўзбекбирлашув», «Тошкентпарранда АЖ», «Нур АЖ» сингари юзлаб корхоналарнинг вакиллари хизматингизга мунтазир: шартнома тузасизми, марҳамат!

Маҳкам АЗАМАТОВ, ярмаркани ўтказиш ташкилий қўмита котиби: Бир ҳафта давом этадиган мазкур ярмаркамиз сўнгги йилларда учинчи марта ўтказилаяпти. Бу гал унга — ўзимизда, яъни, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган экологик тоза, витаминларга бой, жаҳон андозаларига тўла мос ва рақобатбардош 3 минг турга яқин озиқ-овқат маҳсулотларидан намуналар қўйилган...

Отабек МАМАТҚУЛОВ, парандачилик маҳсулотлари бўйича бош мутахассис: Ярмарка расталарида паррандачилик маҳсулотларининг умумий ҳажми бу йил ҳар қачонгидан салмоқли: «Ўзпарандасаноат» уюшмаси билан «ЎзМАДпарранда-холдинг» компанияси 7 минг тоннадан зиёд паррандa гўшти ва 600 миллион донага яқин тухум келтиришди...

Иброҳим АМИНҚУЛОВ, «Термизсавдо» ҳиссадорлик жамияти раиси: Кунига 400-500 минг сўмлик миқдорга тенг даражадаги турли хил маҳсулотлар харид қилиш бўйича шартномалар тузаяпмиз. Энг муҳими, товарлар арзон ва сифатли...

Ҳа, ярмарканинг анъанавий ўтказилишидан мақсад — ички бозоримизни маҳаллий хомашёлардан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан бойитиб, уларни илгаригидек четдан олиб келиш ҳажмини имкон қадар қисқартириб бориш ва шу йўл билан мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашдир.

...Ярмарка давом этмоқда. Кечага қадар бу ерда тузилган шартномаларнинг умумий ҳажми ҳозирча бир неча юз миллиард сўмдан ошиб кетди. Ярмарканинг сўнгги кунига қадар бу рақам 540 миллиард сўмга етиши мўлжалланган.

■ Замон АЛИ

ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НАРСА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

Одамларнинг ўзаро муносабатлари, ҳаётий эҳтиёжлари аввало улар яшаётган жой, муайян ҳудуд билан боғлиқ. Бу маскан эса бизда маҳалла деб аталади ва жамоа бўлиб яшашнинг бундай кўриниши жамият ҳаётида, тинчлик ва осойишталикни сақлашда, ўзаро аҳиллик, меҳр-оқибат, қут-баракани пойдор қилишда муҳим ўрин тутади.

Энди Истиқлол меваси сифатида пайдо бўлиб, бугун обод масканга айланаётган маҳалламиз ҳақида. Бизда айни пайтда 317 та оилага бириккан 1671 нафар фуқаро истиқомат қилади. Улар орасида ўн бир миллат вакиллари бор. Ўн нафар оқсоқолимиз, тўққиз нафар кенгашимиз аъзолари ҳар бир хонадон аъзоларининг қандай яшаётганликлари-ю нима ишлар билан машғул эканликларидан доимо хабардор бўлиб туришга ҳаракат қилишаяпти. Бу борада маҳалла посбонлари, фаолларимиз яқиндан ёрдам беришмоқда. Шундай саъй-ҳаракатлар натижасида йил бошидан бери ҳудудимизда биронта жиноят ёхуд ҳуқуқбузарлик содир этилмади.

Ҳаёт мураккаб. Унда кўриб ҳавас қилса, қувонса арзийдиган ишлар, ҳолатлар билан бир қаторда кишини ўйлантирадиган, ташвишлантирадиган, ҳатто ранжитадиган ҳолатлар ҳам бўлиб туриши, табиий. Масалан, асрлардан бери сақланиб, сайқалланиб келаётган урф-одатларимиз, анъанаю қадриятларимизни олайлик. Уларни рисолагидай ўтказаётганлар билан бир қаторда дабдабага берилиб, тўй-ҳашаму маросимларни базми-жамшидга айлантираётган, исрофгарчиликка йўл қўяётганлар ҳам йўқ эмас. Бу борада маҳалламиз фаолларининг тутган йўли аниқ ва қатъий. Кенгаш қошидаги беш нафар обрўли отахон ва онахонларимиздан иборат тўй ва маросимларни ўтказиш комиссияси кўрсатмалари ва тавсияларидан чиқиш мумкин эмас. Ушбу комиссия кўмагида бу йил ўн олтита тўй, ўндан зиёд маърака ихчам, файзли ўтказилди. Шу ўринда тўй ва маросимларни ўтказиш чоғида маҳалла кенгашига белгиланган тавсияларга амал қилишдан очиқдан-очиқ бўйин товлаган фуқароларга нисбатан жарима солиш билан боғлиқ ваколатлар бериш масаласи кўриб чиқилса ва ижобий ҳал этилса фойдали бўлур эди, деган таклифни айтмоқчиман.

Бугун шуни айтишим лозимки, бизда ҳеч ким, ҳеч бир нарса маҳалла эътиборидан ташқарида эмас. Вояга етмаганлар билан ишлаш, жазо муддатини ўтаб қайтганларнинг шароитларидан хабардор бўлиш, қурилиш, ободончилик соҳасидаги ишлар, оила муҳитини мустаҳкамлаш, спортни оммалаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш диққат марказимизда. Шуларнинг эвазига бўлса керак, маҳалламиз тобора обод, осойишта, меҳр-оқибат, қут-барака ҳукмрон бўлган жойга айланиб бораяпти.

■ Аҳмаджон ХОЛМЎМИНОВ, Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги «Мевазор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

КЎПЧИЛИКНИ ТАШВИШЛАНТИРАЁТГАН МУАММО

МАЙНА ҚУШИНИНГ

«ИКУО ХИРАЯМА БУЮК ИПАК ЙЎЛИДА»

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида «Икуо Хираяма Буюк ипак йўлида» деб номланган кўргазма очилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан маданият ишлари вазири Б.Қурбонов, Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси А.Кавато, Ўзбекистон бадиий академияси раиси Т.Қўзиев, ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари М.Барри Лейн ва бошқалар ҳар икки давлат ҳамкорлиги, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Бунда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг шу йил Кунчиқар юртга ташрифи чоғида имзолаган ҳужжатлар муҳим омил бўлмоқда.

Шарқ ва Ғарбни азалдан боғлаб келган Буюк ипак йўли юртимиз билан Кунчиқар ўлкани ўзаро боғлаб турувчи кўприк вазифасини ўтаган. Икуо Хираяма ўз асарларида ушбу кўҳна савдо йўлининг тарихий, иқтисодий, маданий аҳамиятини намоён этишга ҳаракат қилган.

■ ЎзА

Ҳеч эътибор берганмисиз, сершовқин шаҳар осмонида, кўп қаватли уйлар атрофида гала-гала қушлар қуюндек учиб юрганига? Ёки кечга яқин дарахтлар шохларига ёпирилиб, ёқимсиз шанғиллашларига-чи? Чуғур-чуғурию, ғужғур-ғужғури асабни емиради. «Сурбет»лиги, шанғиллашига чидаса бўлар, аммо мева-чевага қирон келтираётганига-чи?

— Бектемир туманидаги Роҳат кўли атрофида дала-ҳовлимиз бор. Ҳар йили гилос, олча, ўрик, шафтолидан дурустгина мева олардик. Бу йил майна бор мевага, айниқса, узумга қирон келтирди, — дейди Марҳамат Эргашева. — Дарахт шохлари, том бутоқлари лиқ тўла майна уяси. На тўяди, на одамдан ҳайиқади булар.

— Бизнинг ҳовли «қушлар бозори», — дейди Жамшид ака Шоҳимардонов. — Бироз хордиқ чиқарай, тоза ҳаводан нафас олай деб дала-ҳовлига келсам... Вой, бу қушнинг чуғур-чуғури... қулоқ қоматга келади-я. Уй пештоқлари ва ҳовлининг ҳолатидан, очиғи, таъбингиз хира тортади. Ҳаммаёқни ифлос қилиб ташлашган.

Одамларнинг ташвишланишларича бор. Бу қушлар дала-ҳовлилар, дарахтзор жойларда «макон» қуриб, ҳамма нарсани еб тугатишмоқда.

Хўш, майна ўзи қандай қуш? Нима билан озиқланади? Бизда у азалдан бормиди? Юртимизга қаёқдан келиб қолган? Нега бунчалик кўпайиб кетаяпти?

«МАЙНА МАСАЛАСИ» ЯНГИЛИК ЭМАС

Элмурод ШЕРНАЗАРОВ, ЎзР ФА Зоология институти директори ўринбосари:

— Табиатнинг ўз қонуниятлари бор. Ўсимлик, ҳайвонот олами табиийки, кўпаяди, камаяди, ҳаттоки баъзи турлари йўқ бўлиб кетиши ҳам мумкин. Майнанинг юртимизга келиб қолганига юз йилча бўлган. Олимларнинг таъкидлашича, 1907 йилда илк маротаба унинг инини кўришган. Бу дегани майна айнан ўша йили «келган» дегани эмас, албатта. Асли ватани Ҳиндистон, шундан бўлса керак, уни ҳинд майнаси ҳам дейишади. Ҳиндистондан Афғонистонга, ундан бизга келгани учун «афғон қуши» ҳам дейишади. Дастлаб, Амударё бўйлари ва Сурхон воҳасида пайдо бўлган, сўнг аста-секин бутун республика бўйлаб миграция жараёни бошланган.

Ўтган асрнинг 60-йилларига келиб у бутун Ўзбекистонга тарқалди. Албатта, ўша пайтда унинг сони жуда кам эди. Шу важдан ҳатто бу қушни кўпайтириш масаласи кўтарилган. Чунки, «афғон қуши» чорва, деҳқончилик учун «санитар» вазифасини ўтарди. 1960 йилда Термиздан 200 та майнани Тошкентга, 200 тасини Алматига олиб келиб, қўйиб юборилганди. Мақсад, ўша пайтда қишлоқ хўжалигига зарар келтираётган чигиртқага қирон келтириш эди. Аслида майна 50-йиллардаёқ табиий равишда Самарқанд ва Жиззахгача тарқалиб бўлганди. Йиллар ўтиб, у Ўрта Осиё ҳудудини эгаллади. Сўнг у шиддат билан шимолга — Байкалдан ўтиб, Москва остонасигача етиб борди.

Майна тўтиқушга ўхшаб, баъзи сўзларни «ёдлайди», сайроқи қушларга ҳам ўхшаб кетади. Бу хусусияти одамларни ўзига жалб этгани боис айримлар уни хонакилаштириб, уйида ҳам асрашяпти. Қафасда бемалол яшайверади, яна бир муҳим биологик хусусияти — у турли хил меваларни, шунингдек, умуртқасиз ҳайвонларни-да хўрак қилаверади. Мевалардан, айниқса, узумга ўч, олма, гилос, анжир, тут, ўрик, ҳатто кейинги пайтларда хурмо ва анжирни ҳам паққос тушира бошлади. Озиқланишининг ранг-баранглиги унинг яшовчанлигига замин яратади. У чигиртқадан бошқа ҳашаротларни, баъзан умуртқали ҳайвонлар, калтакесак, кичкина балиқни ҳам «овлайверади». У 5-6 та тухум қўйиб, бизнинг шароитда бир йилда уч мартагача кўпаяди, (уя қуриш жараёни апрелдан, сентябрь охиригача давом этади). Кейинги йилларда бу жараён ҳатто мартдаёқ бошланяпти. Уя қуришда жой танламайди, дарахт коваги, уй шифтлари, фойдаланилмаётган ўчоқ мўрилари, ҳатто тўхтаб қолган транспорт, симёғоч ҳам макон бўлаверади.

Биологик мослашувчан қуш, тухумлари бехато очилади, полапонларининг 80 фоизи вояга етади. Уларнинг бунчалик тез кўпайишининг яна бир сабаби — майнанинг табиий кушандаси йўқ, урушқоқ «хулқатвори», бақувватлиги ва «жангари»лиги унинг ўзига хослигини белгилайди.

«Афғон қуши» Ўзбекистонда ўтроқ яшайди, ҳеч қаерга кетмайди, фақат кўпайиш пайтидагина тоғли туманларга тарқалади. Совуқ тушгач яна ўз ҳудудига қайтади. Бир сўз билан айтганда майна уюшиб яшайди. Ҳатто «колония» бўлиб ин қўяди. Бу ҳол уларни ташқи «ҳужум»лардан асрайди.

Хўш, майнанинг зарари кўпми ё фойдаси?

Тўғриси, саволни шу йўсинда қўйиш — холисона фикрлашни тақозо этади. Чунки, табиатан бирор жонзот бутунлай фойдали ёки бутунлай зарарли бўлиши мумкин эмас. Майна «санитар» қуш, шундайлигича қолади. Лекин масалага бугунги кун нуқтаи назардан ёндашсак, майнанинг кўпайиб кетиши иқтисодиётга жиддий зарар келтирмаяптими? Келтиряпти. Айниқса, боғдорчилик хўжаликлари катта зиён кўрмоқда. Албатта, биз майналарни қириш керак, деган фикрдан йироқмиз. Балки уни камайтириш ва ундан қандай сақланиш керак, деган масала устида жиддийроқ ўйлаб кўриш керакдир.

Хўш, майнани қандай камайтириш мумкин? Аввало, бу қуш кўпайган ҳудудларда улар янада кўпайишининг олдини олиш устида ўйлаш керак. У ҳозир нафақат қишлоқ хўжалигига моддий зарар келтиряпти, балки кейинги пайтда саноат корхоналари ва маъмурий бинолар томларида тунаш учун тўпланиб, одамлар асабига тегмоқда. Асбоб-ускуналарни ифлослантириб, антисанитар ҳолатини юзага келтирмоқда.

Муаммони илмий нуқтаи назардан ҳал қилиш учун масалани жиддий ўрганиш керак. Негаки, табиат ҳодисалари ва муаммолари устида мулоҳаза юритганда ўта эҳтиёткорлик зарур. Чунки, дунёда шундай воқеалар бўлганки, табиат ҳодисаларига бир ёқлама ёндашиш оқибатида, баъзи ҳайвон ҳамда қуш турлари, ўсимликлар дунёси бутунлай йўқолиб кетган. Пировардида, улар «Қизил китоб»га кирган. Мисол учун, Хитойда чумчуқларни ёппасига қириш «ҳодисасини эсланг... Кейин уларни қайта «кўпайтириш» учун қанча-қанча саъй-ҳаракатлар ва моддий маблағ керак бўлди... Чунки табиат мувозанатда туради. Мувозанатнинг бузилиши эса катта офат-талафотга олиб келади.

Майна масаласи, (яъни, табиат мувозанатининг бундай бузилиши муаммоси) бизнинг институтимиз олимлари томонидан ҳам ўрганиб чиқиляпти, кун тартибида турибди. Лекин шуни унутмаслик керак, 100 йил ичида миграциялашиб бўлган майна масаласини тезда ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун мутахассислар илмий ишлар, дастурлар ишлаб чиқиши, ҳамма омиллар чуқур ўрганилиши зарур.

Табиат доим ўз эволюцион жараёнида ва мувозанатида туради. Назаримизда, мувозанат нафақат табиат, ҳайвонот ва ўсимлик оламига, қайсидир маънода инсон ва унинг соғлигига ҳам тааллуқли. Яъни биз, сезмаган ҳолда мувозанат бузилишининг жабрини тортаётганимизни пайқамай қоламиз.

РИЗҚИМИЗНИ ЯРИМ ҚИЛДИ

Қурбоной ҒАНИЕВА, Сирдарё тумани, Охунбобоев жамоа хўжалиги, «Мустақиллик» маҳалласида яшайди:

— Ҳовлимизда, томорқамизда ўзимизга яраша боғимиз бор.

O'ZBEKISTON OVOZI

ОРАЛИҒИДА

«Норин тумани Ҳаққулобод шаҳрининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ер ости сизот сувларини пасайтириш бўйича шошилинч чора-тадбирлар тўғрисида»ги вилоят ҳокимининг шу йил 9 сентябрдаги қарори зудлик билан амалда ижро этила бошланди.

Шу кунларда туман ҳудуди катта қурилиш майдонини эслатади. Экскаваторлар наъраси, бульдозерлар ҳайқириғи кенг кўламдаги чора-тадбирлар тезкорлик билан амалга оширилаётганидан далолат бермоқда. Ўтган қисқа вақтда катта ҳажмдаги ер-тупроқ, мелиорация ишлари бажарилди. 37 та тик қудуқнинг 28 таси тўхтовсиз ишлай бошлади, 66 та тик дренажнинг 48 таси таъмирланди.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш хўжаликлараро кенгаши, «Наманганирқурилиш» тресты, «Намангансувқурилиш» очиқ акциядорлик жамияти ҳамда туманлардан келтирилган экскаватор ва бошқа техника ёрдамида кўзланган иш адоғига етказилмоқда. «Наманганирқурилиш» трестининг Собиржон Мамажонов, Абдуғани Рашидов, Ҳакимжон Дадабоев, «Намангансувқурилиш» ОАЖнинг Муҳибилло Алихўжаев, Аҳмадали Холмирзаев, Шуҳрат Умаржонов каби экскаваторчи, бульдозерчи ҳамда автокранчилари изғиринли кунларда ҳам катта иштиёқ билан меҳнат қилмоқдалар.

Мутахассислар ҳисоб-китобига қараганда, бугун дарёдан туман ҳудуди ерларига сингаётган сув миқдори 25 куб метрни ташкил этади. Бу Катта Наманган каналининг ўртамиёна суви. Агар бу сув шитоб билан, сизот эса аста оқиши инобатга олинса, хатар нақадар катта эканлиги билинади. Наманган — Ҳаққулобод катта йўлининг сув ўтиш жойини қайта қураётган 1-МКК қурувчилари ишини кузата туриб, ўзимиз ҳам иқрор бўлдикки, 4 метрлар чамаси тозаланган зовурнинг ўтиш жойида худди каналдаги каби шовуллаб сув оқмоқда. Бу обиҳаёт Қорадарё орқали Сирдарёга қўшилади. Демак, бугунги ишлар эртанги бутун мамлакатимиз учун обиҳаёт муаммоси ечимига ёрдам бўлади.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Обидхон Узоқов олиб борилаётган ишларга мутасадди. У бу даражадаги ғамхўрликдан боши осмонда. Айни вақтда гап орасида ечилиши чигалроқ бўлиб турган муаммони тилга олади:

— Туман ҳудудидан 1912 йилда темир йўл ўтган. Ўшанда еросты сувлари учун номига ўтиш жойи ташланган. Ҳозир улар битиб, сув ўтмайдиган ҳолга келган. Агар темир йўлнинг республикадаги мутасаддилари бош қўшишса, иккита сув ўтиш жойини каттароқ ҳажмда қайта қуриб олардик.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ИНСОН ХОТИРАСИ — АЗИЗ

ҒАЙБУЛЛОҲ АС-САЛОМ САБОҚЛАРИ



Инсон эзгу ишлари билангина мангуликка дахлдор бўлиб қолар экан. Устоз Ғайбуллоҳ ас-Салом эндиликда орамизда жисман йўқ бўлсада, руҳан тирик, дегимиз келади. Ҳар куни унинг табаррук номи турли илм масканларида, ижодий ташкилотларда, зиёлилар орасида такрор-такрор тилга олинади. Ул зотнинг хайрли ишлари, беназир китоблари, илмий, маънавий мероси ҳақида сўзлашнинг ўзи мароқли. Зотан, бугунгача юртимизда устоз қаламига мансуб «Мен сув ичган дарёлар», «Толибнома», «Армон», «Эй, умри азиз», «Эзгуликка чоғлан, одамзод», «Ҳалоллик бозорда сотилмайди» сингари қатор китоблари кириб бормаган хонадон, илм маскани, кутубхона топилмаса керак.

Филология фанлари доктори, профессор, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, халқаро Бобур мукофоти совриндори, таржима назарияси соҳасида таниқли олим Ғайбуллоҳ ас-Салом ҳаёти ва фаолияти ҳақида кўплаб мақолалар, портрет очерклари яратилган. Устоз таваллудининг етмиш йиллиги муносабати билан у кишининг кўплаб шогирдлари, замондошлари, дўстлари, мухлислари билдирган бири-биридан ажойиб фикрлар ўзи бир сабоқ, дегим келади. Булар ҳам аслида раҳматли домламизнинг эккан ниҳоллари мевасидир. Шуниси эътиборга моликки, Ғайбуллоҳ ас-Саломнинг шогирдлари ҳам аллақачон устозлик мартабасига эришган, десам муболаға бўлмас. Келинг, шу устозларнинг Устози ҳақидаги айрим фикрларига ошно бўлайлик.

<u>**Нажмиддин КОМИЛОВ:**</u>

«Мен Ғайбуллоҳ акадан нафақат илмий-тадқиқот олиб бориш йўл-йўриғини, балки энг аввало, жуда кўп инсоний сабоқлар олганман. Чунки домлам донишманд олим бўлиш баробарида эл-юрт дардида жон куйдирадиган, умр бўйи ўзбек илм-маърифатини юксалтиришга камарбаста бўлиб келган одам эди».

<u>**Асил РАШИДОВ:**</u>

«Маданиятимиз ва маърифатимизнинг улкан намояндаси, адабиётшунослик ва таржимашунослик фанлари соҳасида теран тадқиқотлар муаллифи, республикамиз назарий таржимашунослик фанининг асосчиси, инсонпарварлик илмлари соҳасида кўплаб салмоқли китоблар, ўнлаб мақолалар яратган... Ғайбулла Саломовдан беқиёс мерослар қолган».

<u>**Сайди УМИРОВ:**</u>

«Ғайбуллоҳ ас-Саломни бир сўз билан таърифласак, сўзшунос эди. Кенгроқ таъриф, тавсиф этсак, олим, муаллим, мутаржим, мударрис, муҳаррир, носир, мақоланавис, шоир эди. Ўзи даъво қилмаса-да, тарихшунос, файласуф, сиёсатшунос, ҳуқуқшунос эди, табобат, руҳшунослик, ҳатто актёрликдан ҳам дурустгина хабардор эди, кўп илмлар, турфа сифатларни кичик жуссасида мужассам этган маҳобатли, зўр инсон эди. Касби-корининг бари сўзга дахлдор, маънавиятга алоқадор эди».

<u>**Муҳаммад АЛИ:**</u>

«Ғайбулла ака адабиётда, айниқса, бадиий таржимада пайдо бўлган ҳар бир ҳодисадан қувонарди, ўша ижодкорга икки оғиз илиқ сўзини айтишга шошиларди. У ҳамиша кўмакка тайёр, аммо қилган хизматини ҳеч қачон миннат қилмайдиган бир олим сифатида иззат-икромга лойиқ эди».

<u>**Ислом ШОҒУЛОМОВ:**</u>

«Узоқ йиллар Тошкент давлат университетида ишлаган, кўплаб шогирдлар етиштириб тарбиялаган, ўз инсоний мактабини бунёд этган, боз устига шу даргоҳда таржима назарияси ва амалиёти кафедрасига асос солган олим учун бу илм масканига «Миллий университет» мақомининг берилиши, таъбир жоиз бўлса, орзуларининг рўёби эди. Домла шу муносабат билан бўлаётган йиғилишда гапираётиб... оламдан ўтди».

Умрини илму маърифатга бахшида этган устоз ҳақидаги бетакрор фикрларни ҳали кўп давом эттириш мумкин. Уни нафақат устознинг замондошлари, сафдошлари, умид қиламизки ҳали келажак авлодлар ҳам давом эттирсалар не ажаб. Негаки, у киши экиб кетган маърифат ниҳоллари абадул-абад умрибоқий дарахтларга айлангусидир ҳамда уларнинг илдизларидан унган янги нав-ниҳоллар ҳам маънавий ҳаёт давомийлигига хизмат қилгусидир.

Шу ерда сўзимизни мухтасар қилиб, қуйида устознинг «Эзгуликка чоғлан одамзод» номли китобидан айрим парчалар келтиришни лозим топдик.

Одам боласини, мурғак қалбни бадбинлик ва нафрат билан фақат ўлдириш, майиб ва ногирон қилиб қўйиш мумкин. Уни инсон қилиб тарбиялаш учун эса фақат муҳаббат ва некбинлик керак.

✧✧✧

Инсон руҳияти алдашга ва алданишга нега бу қадар ўч экан-а?

✧✧✧

Қиш қўйнида баҳор, ғунча бағрида гул, ёшликнинг сийнасида эса келажак яшайди.

✧✧✧

Бировни ошириб-тошириб мақташ уни ортиқ даражада ерга уришдай гап. Ҳар иккаласида ҳам меъёр бузилади.

✧✧✧

Ўзини яхши кўрмаган одам яхши одам эмас. Чунки ўзини яхши кўрмаган одам ўзгани ҳам яхши кўрмайди.

✧✧✧

Яхшилар кўпинча алданувчан бўлади. Алданмаса, билингки, яхши эмас.

✧✧✧

Юксалишни истасанг, бошқаларни кўтар...

✧✧✧

Олимнинг жоҳиллиги нимаю, жоҳилнинг олимлиги нима?

✧✧✧

Ёмоннинг ёмонлигини гапиргандан кўра, яхшининг яхшилигини гапириш яхши.

✧✧✧

Сен ўзингга бошқаларнинг кўзи билан қара. Бошқаларга — ўз кўзинг билан.

✧✧✧

Ҳар бир кишининг бахти ҳам, бадбахтлиги ҳам ўзи билан бирга.

✧✧✧

Жаҳон адабий ҳаракатининг дарғаси, халқлар ва қитъалар, замонлар ва тиллар, турлитуман адибу удабо, анъаналар ва турфа миллий маданиятларни бир-бирига чамбарчас боғловчи олтин кўприк бу — таржима.

■ **Тўлқин ЭШБЕК**

ХДП ХАБАРИ

ПАРЛАМЕНТ ФРАКЦИЯСИГА ТАВСИЯЛАР

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасининг шу йил 10 декабрдаги, Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов олиб борган, мажлисида иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг X сессияси муносабати билан партиянинг парламент фракциясига тавсиялар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда айтилишича, МК Сиёсий ижроқўми Олий Мажлиснинг X сессиясида мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қонунлар лойиҳаларининг муҳокама этилиши кўзда тутилаётганлиги, Ўзбекистон ХДПдан Олий Мажлисга сайланган депутатларнинг уларни ишлаб чиқишда фаол қатнашганликлари ҳамда қатор қонунлар лойиҳалари муҳокамасига бағишланган махсус «давра суҳбат»лари ўтказилганлигини инобатга олиб, тақдим қилинган ҳужжатлар лойиҳаларини асосан қўллаб-қувватлашни партия фракциясига тавсия этди. Шу билан бир қаторда, МК Сиёсий ижроқўми айрим қонунлар лойиҳалари юзасидан фракциянинг, уларни такомиллаштиришга қаратилган, аниқ таклифларини тайёрлаб, сессияда кўриб чиқилишига эришиш топширилди.

Сиёсий ижроқўм **ЎзХДП ташкилотларининг ҳудудий тузилмаларини такомиллаштириш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш бўйича ишлари ҳақидаги масала** юзасидан махсус қарор қабул қилди. Унда ЎзХДП ташкилотлари (чунончи, Гулистон шаҳар, Қашқадарё вилоят ва бошқа партия кенгашлари) томонидан МК II пленуми кўрсатмаларига мувофиқ, ҳудудий ташкилотларни вужудга келтириш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги, шу билан бирга, қатор шаҳар, туман партия тузилмаларининг ушбу соҳадаги ишлари етарли эмаслиги таъкидлаб ўтилди. МК Сиёсий ижроқўми, ушбу соҳадаги долзарб муаммоларни чуқурроқ кўриб чиқиш мақсадида, 2003 йилда минтақавий ўқув семинарларини ўтказишга қарор қилди.

Шунингдек, мажлисда Марказий Кенгашнинг 2003 йил I чорагидаги иш режаси тасдиқланди ва партия ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

■ **ЎзХДП МК**
матбуот хизмати

Лондонда ҳар йили ўтадиган «World Travel Market» жаҳон сайёҳлик кўргазмаси ўз ишини якунлади. Унда 172 мамлакатдан 5 мингдан зиёд соҳа компаниялари иштирок этди.

Анъанага биноан бу нуфузли анжуман иштирокчилари учун турли сайёҳлик маҳсулотларини намойиш этиш, амалий битимлар тузиш ҳамда кўргазма дастури доирасида ўтказилган бизнес семинар ва конференцияларда қатнашиш имконияти яратилди.

ЛОНДОНДА ТАҚДИМОТ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Узинтур», «Сайрам туризм» ва «Ориент Воячджес» сайёҳлик агентликлари вакилларидан иборат бўлган Ўзбекистон ҳайъати ушбу кўргазмада 1993 йилдан буён тўққизинчи марта иштирок этмоқда.

Миллий руҳда безатилган Ўзбекистон компаниялари павильонлари ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотди. Бу ерда улар Ўзбекистоннинг тарихий ва меъморий обидалари нусхалари, Буюк ипак йўлида жойлашган шаҳарлардаги турли сайёҳлик йўналишлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Кўргазма иши давомида Ўзбекистон вакиллари йирик хорижий компаниялар билан қатор ўзаро манфаатли битимлар туздилар. Шак-шубҳасиз улар дунёнинг турли бурчакларидан мамлакатимизга келаётган сайёҳлар сонининг кўпайишига кўмак беради.

■ **Мардон ЁҚУБОВ,**
«Жаҳон»АА,
Лондон

XORIJDA

ИРОҚ ҲИСОБОТИ ЎРГАНИЛМОҚДА

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг беш давлатдан иборат доимий аъзолари Ироқнинг ҳарбий дастури ҳақидаги ҳисоботини душанба куни ўрганишга киришди. Ҳисобот 12 минг саҳифадан иборат бўлиб, шундан 10 минг саҳифасида жаҳон жамоатчилигига маълум бўлган ахборотлар жамлангандир. 33 саҳифасида эса биологик қурол ишлаб чиқариш учун керакли бўлган компонентлар, хомашё ва ускуналар сотиб олиш ҳақида ҳисоботлар баён этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳисоботнинг тўлиқ нусхаси фақат АҚШга берилган. Ҳозир Вашингтон 12 минг саҳифалик декларацияни ўрганиб чиқмоқда. Декларациянинг иккинчи нусхаси иккига бўлинган бўлиб, ярми Нью-Йоркка, ярми эса Венага жўнатилган. Негаки, биринчи ярмини БМТнинг қуролланиш бўйича инспекторлар миссияси штаби ўрганса, иккинчи ярмини Халқаро атом энергетикаси агентлиги (МАГАТЭ) мутахассислари синчиклаб кўриб чиқади. БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзолари эса ҳозирча декларация мундарижасини ўрганишмоқда.

Декларация юзасидан хулосавий қарор БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий беш аъзоси томонидан чиқарилади, дейилади Reuters ахборот агентлиги берган хабарда.

КАСПИЙНИ БЎЛИШ БЎЙИЧА САММИТ

Каспийбўйи давлатларининг иккинчи саммитини Теҳронда чақириш тўғрисида Эрон илгари сураётган таклифни Россия қўллаб-қувватламоқда. Бу ҳақда Россия ташқи ишлар вазирининг ўринбосари, Каспий масаласини мувофиқлаштириш бўйича Россия президентининг махсус вакили Виктор Калюжний журналистларга хабар берди. Унинг айтишича, дейилади ИТАР-ТАСС ахборотида, Каспийни бўлиш масаласига бағишланган саммит келгуси йил давомида чақирилиши мумкин. Уни ўтказиш Теҳроннинг аниқ таклифларига боғлиқ.

БМТ ҚАРОРИНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШГА ЧАҚИРДИ

АҚШнинг собиқ президенти, Нобел мукофоти совриндори (яқинда тақдим этилди) Жимми Картер АҚШ раҳбариятини Ироқ масаласи бўйича БМТ қарорини ҳурмат қилишга чақирди. Шунингдек, у Вашингтоннинг Ироқни қуролсизлантириш юзасидан олиб бораётган сиёсатини қўллаб-қувватлади. Яна шуни таъкидладики, дейилади Reuters ахборотида, «агар Ироқ БМТ резолюцияси шартларини тўлиқ бажарса, ҳарбий операция ўтказишга умуман ҳожат қолмайди».



ФРАНЦИЯДАГИ ТАЛЬОРР КУРОРТИ

МАКТАБЛАРДА ЎҚИШ ТЎХТАТИЛДИ

«Новости» ахборот агентлиги тарқатган маълумотларда қайд этилишича, Волгоград ва Волжск шаҳарларида қаттиқ совуқ бўлаётганлиги сабабли 1-синфдан 4-синфгача бўлган мактаб ўқувчиларининг дарслари вақтинчалик тўхтатилди. Волгоград вилоятига қарашли мактабларда эса дарслар одатдагидек давом эттирилмоқда.

Шаҳар мактабларидаги бошланғич синфларда дарсларни тўхтатишдан мақсад болалар ўртасида кенг тарқалган шамоллаш касаллигига қарши тиббий профилактика ишларини ўтказишдир.

Дарвоқе, Волгоград ва Волжскда учинчи кундирки 20 даража совуқ бўлиб турибди.

КУЧЛИ ЁМҒИР САБАБЛИ

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро штатига қарашли Ангра шаҳрида ёққан кучли ёмғир сабабли ер ўпирилишлари юз берди. Натижада 36 киши оламдан кўз юмди (улар орасида 5 нафари ёш болалар), 50 киши дом-дараксиз йўқолди, 1500 киши эса уй-жойидан айрилди.

Associated Pressда ёзишларича, бир кеча-кундузда ёққан ёмғир 8 ойда ёғадиган меъёрга тенг экан.

ҚОЗОҒИСТОНДА «НИВА» ЙИҒИЛМОҚДА

Усть-Каменогорскдаги заводда «Нива» автомобилининг қисмларини йиғиш йўлга қўйилди. «АвтоВАЗ» акциядорлик жамиятининг матбуот маркази хабар беришича, бу ерда йилига 10 минг автомобилни йиғиб сотувга чиқариш режалаштирилган.

Дастлаб корхонада автомобилнинг йирик механизмларини йиғиш кўзда тутилган. Кейинчалик эса пайвандлаш ва бўёқ бериш цехлари ишга туширилгач, автомобилни тўлиқ йиғиш амалга оширилади. Шунингдек, машинанинг айрим қисмларини ишлаб чиқариш ҳам дастурда қайд этилган.

Қозоғистоннинг автойиғув заводида ҳаммаси бўлиб 770 киши меҳнат қилади, дея хабар беради «Новости» агентлиги.

ФОЙДАСИ-Ю ЗИЁНИ

ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ҳар йили узум, гилос, олча, ўрик меваларини қишга қуритиб олардик. Мева-чевадан ҳеч ғам емасдик. Лекин бу йил чуғурчуқ ҳосилимизга тенг шерик бўлди, рисқимизни ярим қилди. Узумга шира кирар-кирмас еб кетди...

«Чуғурчуқ дастидан дод» деяётган фақат у эмас, албатта. Қишлоқларда кўпчилик боғини қўриқлаш йўлларини ўйлаб бош қотирмоқда.

МЕВА САЛОМАТЛИКНИНГ ТАЯНЧИДИР

Наталья ШАРИПОВА,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги давлат санэпидназорати департаменти бошлиғи:

— Инсоннинг яшаши учун сув, ҳаво нечоғлик шарт бўлса, унинг сиҳат-саломатлиги учун мевалар шунчалик зарур **фактор** ҳисобланади. Организмнинг бақувватлигини у истеъмол қилаётган озиқ-овқатлар таркибидаги фойдали моддалар таъминлаб туради. Ҳўл мевалар дори-дармонга бой озуқалардир. Юртимизда етиштириладиган барча ҳўл мевалар организм учун саломатлик манбаидир. Мана, оддий бир мисол. Олма таркибида «С» (иштаҳа очувчи), «В» гуруҳига кирувчи дармон-дори, яъни витаминлар бор, яна каротин, углевод, калий, магний, натрий, темир моддасига бойдир. Нокда бўлса олмага нисбатан 100 марта, лимонга қараганда 50 маротаба кўп аскорбин кислотаси мавжуд. Шунингдек, нок таркибида P_1, B_1, B_2, K_1, каротин, калий тузи, темир, фосфор, кальций, магний ва бошқа моддалар борки, улар организмимизга қувват бахш этади, иммунитетни оширади. Ёки олча, гилос, узум таркибидаги глюкоза организм учун сувдай зарурдир. Олма, олча, нок таркибида мавжуд «А» гуруҳига кирувчи дармонлар кўриш қобилиятимизни оширади, болаларнинг эса бўйини ўстиради. Болаларда «А» гуруҳидаги витаминларнинг етишмаслиги кўриш қобилиятининг пастлиги, шапкўрлик хасталигини келтириб чиқаради. «С» гуруҳидаги витаминга бой полиз маҳсулотлари ва ҳўл мевалар организмнинг турли хил юқумли вирусларга қарши курашишини, яъни иммунитетини оширади, асаб тизими фаолиятини мустаҳкамлайди, жисмонан бақувват бўлишни таъминлайди. Организмимизда, айниқса, ёш болаларда «С» витаминининг етишмаслиги милклар қонашига, мускуллар фаолиятининг бузилишига, тез-тез чарчашга, бир сўз билан айтганда организмнинг «нураши», «емирилиши»га олиб келади. Шунинг учун кунига 50 мг. миқдорида турли хил мева, ҳўл мева организмимизга «тушиши» зарурдир.

Юртимизда етиштириладиган барча мевалар таркибидаги у ёки бу дармон дорилар организмимизнинг соғлом, бақувват бўлишида таянч вазифасини ўтайди. Бу узоқ умр кўришимизнинг гарови, унутманг, бепарво бўлманг. Зеро, халқ табобати айнан шунга асосланиб, асрлар давомида одамлар саломатлигини муҳофаза этганини ёдда сақлайлик.

Тараққиёт тинмай илдамлаяпти, иқтисодиёт юксалаяпти. Улкан ўзгаришлар олдида қушларнинг иқтисодиётимизга етказаётган зарари сезилар-сезилмасдир, балки бироз ноўриндир. Лекин жуда жўн бўлиб туюлган майнанинг Байкалдан ошганини, мевага «ҳужум»га ўтганини ўйласак, эртага ғалла ҳосилини ҳам «хўрак» қилмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайдиган кўринади. Майна, ғалла ейдими? Мутахассислар нима деркин?

ҲОЗИРЧА ТЎКИЛГАНИНИ ЕЯПТИ

Нўъмонжон ШОКИРОВ,
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги чорвачиликда наслчилик ишлари ва сервиз хизматлари бош бошқармасининг бошлиғи:

— Ҳар қандай қушнинг табиатда фойдали ва зарарли томонлари бўлади. Майна, аслида чорвачилик учун фойдали, «санитар»лик вазифасини ўтайди. Зоолог олимларнинг илмий фикрига кўра, майна кейинги пайтда республикамизда ниҳоятда кўпайиб кетди. Энди майна «санитар»ликдан кўра кўпроқ, мева, ҳўл меваларни хўрак қилишга ўтиб оляпти. Сабаби, Ўзбекистон меваларга бой макон.

Маълумки, майналар уюшиб — 50-60 та бўлиб, ҳудудларни эгаллаб яшайди. Ачинарлиси, улар ҳўл мевадан тортиб, ҳатто буғдойзорларда тўкилган ҳосилни ҳам еийшга ўтишди. Бу қушнинг йилига 3 марталаб бола очиб, 5 талаб полапон чиқаришини ҳисобга олсак, яқин 10-15 йилдан сўнг уларга юртимизнинг боғроғлари «торлик» қилиб қолиши, сўнг буғдойзорлардан емиш излаб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Қолаверса, майналар беозор чумчуқларни ҳудудлардан «сиқиб» чиқаради, ҳатто одамларга тажовуз қилиб, чўқиб жароҳат етказган ҳоллари ҳам кузатилган.

Албатта, майналар тез кўпайишининг олдини олиш чора-тадбирларини кўришимиз керак. Гап майнани йўқотиш устида эмас, балки иқтисодга етказаётган зарарининг олдини олиш, кўпайишини чеклаш устида кетяпти.

Табиатда содир бўлаётган антропоген ўзгаришлар айни пайтда мавжуд мазкур қушлар сонини кескин ошириб юборяпти. Айниқса, Фарғона водийсида майналарнинг миқдори кўпайиб кетганлиги кузатилган. Уларнинг фойда-зарарини ўрганиш учун Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан кўпгина чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Лекин ҳали бу борада жиддий ўзгаришларга эришилгани йўқ. Шу ўринда биз олимлар, мутахассислар, шифокорлар ва мутасадди ходимларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини ҳам билишни истардик.

■ **Саида САЙХУН,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

ИММАНУИЛ КАНТ — НЕМИС ФАЙЛАСУФИ. НЕМИС МУМТОЗ ФАЛСАФАСИНИНГ АСОСЧИСИ. 1724-1804 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

(Давоми. Боши газетанинг олдинги сонида.)

- Қанчалик кўп фикр юритсам, иккита нарса менинг қалбимни янгидан-янги ҳайрат ва ўсиб борувчи иззат-икром билан шунча кўп тўлдирмоқда: юлдузлар осмони тепамда ва ахлоқий қонун менда.
- Одамга у хоҳлаган ҳамма нарсани беринг, шу дақиқанинг ўзидаёқ у булар у истаган нарсаларнинг ҳаммаси эмас эканлигини ҳис қилади.
- Эркак киши учун уни аҳмоқ, деб ҳақорат қилишдан, аёл учун эса — уни хунук дейишдан ортиқроқ хафа қиладиган нарса йўқ.
- Адолат йўқолганида, кишилар ҳаётига қадр-қиммат бера олиши мумкин бўлган ҳеч нима қолмайди.
- Бурч! Сен юксак, улкан сўзсан. Бу айни инсоннинг ўзини ўзи устидан юқорига кўтарадиган улканлик.
- Ахлоқийлик феъл-атворда бўлмоғи лозим.
- Болаларга доимо мукофот бериш ярамайди. Бунинг оқибатида, улар худбин бўла борадилар, ва бундан сотқинча фикрлаш тарзи ривожланади.
- Болалар ўрганадиган фанлар уларнинг ёшига монанд бўлмоғи лозим: акс ҳолда, уларда ўзбилармонлик, сатанглик ва манманлик ривож топиши хавфи пайдо бўлади.
- Ҳар бир табиий фанда қанча риёзиёт бўлса, унда шунча ҳақиқат мавжуд бўлади.
- Ақлли саволларни қўя билишнинг ўзиёқ ақл ва зийраклиқнинг муҳим ва зарурий белгисидир.
- Гўзаллик, бу — ахлоқий эзгулик рамзи.
- Бемулоҳаза ва беодоб лаззатгагина берилган одамларнинг ҳаёти ҳеч қандай қийматга эга эмас.
- Агар одамлар бир-бировларини очиқчасига тўлиқ кўрганларида эди, улар бир-бировларидан қочиб кетган бўлардилар.
- Инсон ўзига ўхшаганлар билан мулоқотда бўлиш мойиллигига эга, негаки, шундай ҳолатда у ўзини инсон, деб ҳис этади, яъни ўзининг табиий қобилияти нишоналари ривожини сезади. Аммо, унга ёлғизликка томон кучли интилиш ҳам хос.
- Руҳиятнинг мунозаралардаги хайрихоҳлик билан қўшилган ҳолати муайян куч мавжудлигининг белгиси бўлиб, бунинг туфайли ақл ўзининг ғалабасига ишонади.
- Ўрмалаб юрувчи чувалчангга айланган кишини босиб ўлдирганликлари учун у кейин шикоят қила оладими?
- Никоҳий ҳаётда қўшилган жуфтлик қандайдир яхлит ахлоқий шахсни ташкил этмоғи лозим.
- Феъл-атвор қонун-қоидаларга мувофиқ ҳаракат қилиш қобилиятидадир.
- Маккорлик — жуда чекланган одамларнинг фикрлаш тарзи ва у четдан унга ўхшаб кетадиган ақлдан жуда фарқ қилади.
- Ортиқча шуҳратпарастлик ақлли кишиларни азалдан беақлларга айлантирган.
- Ким ортиқчаликдан воз кечган бўлса, у муҳтожликдан қутулибди.
- Ким ҳаётдан маҳрум бўлиб қолишдан қўрқув ташвиши билан яшаса, у ҳеч қачон ҳаётдан қувнай олмайди.
- Бурч, бу — бошқанинг ҳуқуқига ҳурматдир.
- Айрим китоблар, агар уларни бунчалик тушунарли қилишга уринмаганларида эди, жуда тушунарли бўлган бўлур эдилар.
- Ғазаб талвасасида белгиланган жазо мақсадга эриша олмайди.
- Ахлоқий қонуннинг аҳамияти шунчалик даражада кенгки, у нафақат одамлар, балки, умуман, барча идрокли мавжудотлар учун кучга эгадир.
- Ахлоқ нафақат эзгу ҳаракатнинг, балки, эзгу ироданинг ҳам фалсафасидир.
- Бахт ақлнинг эмас, балки, хаёлотнинг орзуси.
- Қайсарлик феъл-атворнинг шакли, бироқ, унинг мазмуни эмас.
- Инсондай қийшиқ ғўладан ҳеч қандай тўғри нарсани рандалаб бўлмайди.
- Инсон ва, умуман, ҳар қандай идрокли мавжудот ўзўзича мақсад сифатида яшайди.

■ **Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

Рукн газетанинг 2001 йил 27 октябрдаги сонидан бошлаб берилмоқда.

«МУЛОҚОТ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?



Ошкора, самимий мулоқотга иштиёқингиз бўлса, ўзингизга ҳамдард, кўнглингизга яқин дўст топмоқчи бўлсангиз «Мулоқот» журналига обуна бўлинг!

Агар суюкли Ватанимизнинг, буюк миллатимизнинг ўтмиши ва бугуни ҳамда миллатнинг таянчи бўлган улуғ тарихий шахслар ҳақида кенгроқ ва батафсилроқ маълумотга эга бўлишни истасангиз, юрт равнақига хизмат қилишга бел боғлаган «Мулоқот» журналига ёзилинг!

2003 йил учун обуна давом этмоқда. Давримизнинг энг долзарб масалаларига дадил муносабат билдирадиган, халқимиз тарихи, унинг бой маданий мероси ва анъаналарини кенг тарғиб қилиш асосида миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришга, маънавият ва маърифат равнақига катта ҳисса қўшаётган «Мулоқот» журнали кўнглингизга нур, хонадонингизга файз, онгингизга зиё бахш этишига ишонамиз.

Агар Сиз журналга ўз вақтида обуна бўлсангиз ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ютасиз. Чунки журналнинг чакана савдодаги нархи обуначи оладиганидан анча қимматга тушади. Чинакам ўқувчи учун обуна энг қулай имконият.

Нашр кўрсаткичи: 844

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ

ЭЗГУЛИКНИНГ ҚАДР-ҚИММАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Ёшликда кўп орзуларим бўлган, — дейди у жилмайиб. — Лекин Ватаннинг юксак унвонига сазовор бўлиш етти ухлаб тушимга кирмаганлиги бор гап. Ҳукуматимиз мендай оддий бир муаллимнинг меҳнатларини олий мукофотга лойиқ, деб топган экан, бунинг учун чин юракдан, қўлимни кўксимга қўйиб таъзим қиламан. Қолаверса, Қаҳрамонликни фақат менга эмас, балки вилоятимиздаги барча халқ таълими ходимлари фаолиятига, таъбир жоиз бўлса, ҳаётдаги биринчи устозларим, қўш устунларим бўлишган ва бир умр ўқитувчилик касбини ардоқлаб ўтишган раҳматли ота-онам, айни пайтда мен билан бир сафда туриб ёш авлодга таълим-тарбия бераётган фарзандларим, ёмонимни яшириб, ютуғимни ошириб келаётган лицейимизнинг аҳил жамоаси меҳнатларига берилган баҳо, янаям аниқроқ қилиб айтганда, ишонч ва қарз деб биламан. Бу қарзни узиш, ишончни оқлаш зарур.

— Кейинги пайтда ёшларимизнинг ўқишга, билим олишга иштиёқи сўнаяпти, ўқитувчилик касбининг қадри тушиб бораяпти, деган гапларни ҳам эшитиб қоламиз. Ўқитувчилик касби, унинг бугуни ва келажакдаги мавқеи ҳақида фикрларингизни билмоқчийдим?

— Саволингизни эшитдиму, қаердадир ўқиган «Ўқитувчини елкасига кўтарган замин ҳеч қачон бахтсизликка учрамайди» деган ҳикматли гап ёдимга тушди ва Ўқитувчилар куни муносабати билан Тошкентда ўтказилган тантанали йиғилишда шоиримиз Абдулла Орипов ўқиган тўрт қатор шеърини эсладим:

Шоирга дедилар:
Сиз бахтли инсон,
Халқингиз ардоқлар,
ҳамма танийди.
Шоир жавоб қилди:
менда бир армон,
Муаллим десалар
мени қанийди!

Тўғрисиям, муаллимлик улуғ ва шарафли касб. Унинг қадри тушиб кетаяпти, деган гаплар асоссиз. Ҳақ йўлида бир ҳарф танитган, ўқишу ёзишни ўргатган, сиру синоатга тўла олам туйнугини очган устозни ҳурмат қилмай бўладими? Мустақиллик туфайли бу касбга бўлган эътибор ва ҳавас янаям кучайди. Ахир Юртбошимизнинг ўзлари «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деб турганларидан кейин, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг ижросини таъминлаш, халқ таълими тизимида туб бурилишлар ясаш вазифаси давлат сиёсати даражасига олиб чиқилган бир пайтда бундай дейиш, гумроҳликдан ўзга нарса эмас. Энди бугунги куннинг қатъий талабларига жавоб беролмаётган айрим кишилар деса деяётгандир-да. Саволингиздаги ёшларнинг билим олишга, ўқиб-ўрганишга иштиёқи масаласи ҳақида шуни айтишим мумкинки, ёш авлод билимга ҳар доимгидан ҳам чанқоқ. Буни лицейимиз ўқувчилари мисолидаям кўрса бўлади. Ўтган ўқув йилида 94 нафар битирувчиларимизнинг 84 нафари олий ўқув юртларига ўқишга кирдилар. Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори бўлган иқтидорли қизимиз Дилфуза Ражабова жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ўқияпти. Ҳозир 11-синфда таҳсил олаётган Гулруҳ Мухторова бўлса, биология-экология йўналиши бўйича республика олимпиадасида ғолиб бўлди.

— Домла, иложи бўлса, лицей тўғрисида батафсилроқ тўхталсангиз?

— Лицейимизда 380 нафар ўғил-қиз ўқийди. Улар иқтидорли болалар бўлиб, танлов асосида қабул қилинган. 50 нафар устоз-муаллимлар сабоқ беришаяпти. Улар орасида 2 та фан доктори, 8 та фан номзоди, 1 та Ўзбекистон халқ ўқитувчиси бор. Профессор Худойберган Жўраев, фан доктори Файзулла Бойназаров, «Меҳнат Шуҳрати» ордени нишондори Сарвар Муродов, халқ ўқитувчиси Босим Абдураҳмонов сингари устозлар менинг қанотларим. Лицей хоналарини безаб турган эсдалик совғалари, Фахрий ёрлиқлар, диплом ва кубоклар, ўқувчиларнинг ижод намуналари замирида шуларнинг заҳматли меҳнатлари, ақлу заковатлари ётибди. Билими, куч-қуввати, маҳоратини ёш авлодга таълим-тарбия беришга бағишлаётган бундай фидойи, маърифатли муаллимлар билан бирга ишлаётганимдан фахрланаман. Очиғини айтганда, бу менинг бахтим. Аслида менга Қаҳрамонлик Олтин юлдузини олиб берганлар ҳам — шулар. Спорт зали, ошхона, ётоқхона, интернет тармоғига уланган компьютерларимиз болалар ихтиёрида. Ҳар куни 6 соатлик дарсдан сўнг асосий фанлар бўйича 2 соатдан қўшимча чуқурлаштирилган сабоқлар ташкил қилинган.

— Умр деганлари заҳмат, сабот, ишонч, садоқат... Сиз бу манзилларда нималарни топдингиз?

Йиллар давомида тўпланган тажрибаларим, йиққан материалларим асосида 3 та китобча ёздим. «Ўзлигини англаган халқ», «Соғлом авлод — миллат кўрки», «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон» деб номланган бу китоблар эндиликда ҳамкасбларим учун қўлланма вазифасини ўтаяпти ва истиқлол берган олий қадриятларни, беқиёс имкониятларни ёшлар онги ва тафаккурига сингдиришга хизмат қилаётир. Шу ўринда мен ташвишлардан ҳаловат топишга, уларни енгиб ўтиб қувонишга интилиб яшашимни айтиб ўтмоқчиман. Аслида бу ҳаётда ҳамма нарса ўткинчи: қувонч ҳам, ташвиш ҳам.

— Муаллимлик буюк касб эканлиги шундаки, унинг шогирдлари жуда кўп бўлади. Ҳаёт дарахтининг мевалари бўлган шогирдларингиз ҳақида гапириб берсангиз?

— Кўп. Улар орасида олимлар ҳам, муаллимлар ҳам, ҳокимлару шоирлар ҳам бор. Мўътабар аянгиз билан оқ ювиб, оқ тараган 10 ўғил-қизимиз, 36 неварамиз ҳам шулар қаторида. Чунки уларни ахлоқ-одобли, меҳнатсевар, оқилу андишали қилиб вояга етказиш учун аянгиз билан биргаликда умримизнинг қаймоғини сарфладик. Беадад шукрлар бўлсинки, улар юзимизни ерга қаратишгани йўқ. 20 та ўғил-қиз, келин-куёвларнинг 16 нафари изимиздан боришиб, муаллимлик қилишаётгани оиламизда битта касб — муаллимликнинг қадри баланд эканлигидан далолатдир. Ана, яна битта шогирдим келди. Заҳро Мўминова. У тумандаги Ҳамид Олимжон номли 16-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаяпти ҳамда вилоятдаги ягона «Нутқ маркази» ишига раҳбарлик қилаяпти.

— Ассалому алайкум, муаллим. Сизнинг маслаҳатларингизни олай, деб келдим, — дейди Захрохон кулиб. Кейин эса бизга юзланиб қўшимча қилди. — Марат акани ҳаммамиз муаллим деймиз. У киши қаттиққўл, аммо ғамхўр устозлар. Тартиб-интизомни, озодаликни хуш кўрадилар. Биз шундай маърифатли, маданиятли, кўнгли мусаффо инсоннинг шогирдлари эканлигимиздан ғурурланамиз. У кишига муносиб издош, ишларининг ишончли давомчиси бўлишга интиламиз.

— Бахтга эришиш, улуғворлик йўлидаги машаққат ва муваффақиятларга тўхталсангиз.

— Мендан бахтлироқ одам бўлмаса керак, — дейди у. — Аввало, мени излаб, сўроқлаб келишаётгани, кимларгадир керак бўлаётганим, ёрдамим тегаётганлиги учун бахтлиман. Ёнимда мени тушунадиган турмуш ўртоғим, бири-биридан қобил фарзандларим, невараларим борлигининг ўзи катта бахт. Мени устоз билиб, ҳурматимни жойига қўядиган шогирдларим, тенгдошларим, ҳамкасбларимнинг кўплиги, улар билан бир сафда ишлаётганим ҳам бахтим эмасми? Чарақлаб нур сочаётган офтобни кўриб турганим, ҳовлида қулф уриб очилган гуллар ифорини туяётганим, мана шулар ҳақида сизга сўзлаб бераётганим бахт-ку аслида. Бир сирни айтай: бахтнинг, роҳат-фароғатнинг калити яхшилигу меҳнатда. Инсон ишлагани, яхшиликлар қилгани сари покланиб, тозариб бораверади, мушкуллари осонлашаверади, орзулари ушалаверади. Шунда бахтнинг ўзи уни излаб топади. Аслида эзгуликнинг қадр-қиммати ҳам шундадир.

■ **Суҳбатдош: «Ўзбекистон овози» мухбири Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ**



■ Турғунбек МАҲҚАМОВ олган сурат

...Буғдойни деҳқон экади, тегирмончи тортади, унидан момоларимиз хамир қоради, оналаримиз нон қилиб ёпади, лекин...

Нон еганда билмаймиз, ҳамманинг ҳам заҳматин...

Унутмайлик айтишни — тандирсознинг раҳматин!

ТАНЛОВ

БУЮК УЙҒОНИШ ТИМСОЛИ

«КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД — РУҲИЯТ НАҚҚОШИ» ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ

Инсоният тараққиётида даҳолар кўп бўлган. Улар қай бир соҳада бўлмасин, башарият учун буюк кашфиётлар, улкан салоҳият ва тафаккур маҳсулларини қолдирганлар. XV аср Шарқ Уйғониш даврининг ёркин намояндаси Камолиддин Беҳзоднинг тасвирий санъат ва миниатюра соҳаси бўйича яратган мактаби ҳам инсоният тарихидаги ана шундай буюк кашфиётлардан бўлди. Беҳзод миниатюра жанрига асос солган ва уни юксак чўққига кўтарган биринчи мусаввирдир. У асарларида инсон руҳиятининг бемисл гўзаллигини, қалб кечинмаларининг энг нозик томонларини ифодалай олиши билан тасвирий санъат соҳасига мантиқ, тафаккур, рамз олиб кирди. Буюк мусаввир даҳосининг қудрати шундаки, у асос солган миниатюра мактаби асрлар силсиласига, цивилизация ўзгаришларига дош бериб бизнинг давримизгача етиб келди. У яратган нодир асарлар айни пайтда дунёнинг етакчи давлатларидаги энг нуфузли музей ва муассасаларда сақланмоқда. Айтиш жоизки, қарийб 5-6 аср илгари яратилган бу ноёб санъат дурдоналари миллатимизнинг буюк ўтмиши ва юксак маънавий тафаккуридан гувоҳлик берувчи қимматли манбадир.

Аччиқ бўлса-да тарихий ҳақиқатни тан олиш даркор: сўнгги хонликлар замонида, ундан кейин чор босқинчилари ва ниҳоят турғунлик йилларида тарихимиз ва маънавий меросимизга қилинган аёвсиз тажовуз оқибатида қадриятларимиз шафқатсиз топталди, буюк аждодларимиз томонидан барпо қилинган ноёб тарихий обидалар оёкости қилинди.

Истиқлол туфайлигина тарихимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Эндиликда халқимиз ва ўсиб келаётган ёш авлод онгида буюк ўтмиш ва маънавий бойлигимизга нисбатан чуқур ҳурмат ва ифтихор туйғулари шаклланмоқда.

Буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод таваллудининг 550 йиллиги ЮНЕСКО билан ҳамкорликда жаҳон миқёсида нишонланишига тайёргарлик кетаётган бир пайтда, улуғ бобомиз томонидан асос солинган миниатюра мактабини қайта ривожлантириш, Камолиддин Беҳзод ижодий меросини ўрганиш ва халқимизга тўла етказиш борасида амалий саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди. Жумладан, жорий йилда Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Бадиий академия ва «Ўзбекистон овози» газетаси ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига бағишлаб «Камолиддин Беҳзод — руҳият наққоши» танлови эълон қилинган эди.

Бахтимиз Қомуси байрами арафасида якунланган танлов маънавий меросимизга бефарқ бўлмаган кўпчилик ижодкорларда қизиқиш уйғотгани шубҳасиз. Кувонарлиси, ўтган вақт мобайнида буюк мусаввир ижодий мактабини қайта ривожлантириш, у яратган санъат асарларини тадқиқ қилиш ҳамда ёшларда миниатюра санъатига қизиқиш уйғотиш борасида бирмунча натижаларга эришилди. Шунингдек, Олий Мажлис қошида тузилган Махсус комиссия томонидан Камолиддин Беҳзоднинг чет эл музейларида сақланаётган миниатюраларини юртимизга олиб келиш ёки улардан нусхалар кўчириш бўйича ҳам талай эзгу ишлар қилинди.

Яқинда Бадиий академияда танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлди. Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси, танлов ҳайъати аъзоси Нарзулла Жўраев буюк мусаввир Камолиддин Беҳзоднинг яратган мактаби асрлар оша инсониятнинг нафис мулки сифатида улуғланиб келинаётгани, унинг беқиёс ишлари ўтмишимизни ёритганидек, бугунги кунимиз учун ҳам ғоят аҳамиятли эканлигини таъкидлади.

Ҳайъат танловга тақдим этилган 100 дан ортиқ асарларни кўриб чиқиб, улар орасидан энг саралариини аниқлади. Жумладан, миниатюра йўналиши бўйича ғолиблик Камолиддин Беҳзод анъаналари руҳида яратган туркум асарлари учун таниқли миниатюрачи мусаввир Фахриддин Раҳматовга насиб этди. Журналистика йўналиши бўйича биринчи мукофотга буюк мусаввир ҳаёти ва ижодий мероси, у яшаган давр маданиятига доир туркум мақолалар («Ўзбекистон овози»да эълон қилинган) муаллифи Нодира Қурбонова лойиқ топилди. Фото санъати йўналишида 1-ўрин Камолиддин Беҳзод мактаби вакиллари асарларининг факсимил нусхаларини яратган Владимир Гронкинга насиб этди.

Ғолиблар диплом ва ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Танлов шартига кўра, ғолибларнинг асарлари Камолиддин Беҳзод номидаги миниатюра санъати давлат музейига қабул қилинади.

■ **Матназар ЭЛМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 10 йиллик байрами арафасида Ўзтелерадиокомпания танлов ҳайъати вилоятлараро «Озод элим — ойдин йўлим» кўрик-танловига тақдим этилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни кўриб чиқиб, ғолиб жамоа ва ижодкорларни аниқлади:

ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАР БЎЙИЧА:

Биринчи ўрин — Наманган ва Қашқадарё вилояти телеижодкорларига;

Иккинчи ўрин — Фарғона ва Навоий вилояти телеижодкорларига;

Учинчи ўрин — Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилояти телеижодкорларига;

«Энг яхши режиссёр» мукофоти — **Толиб Ҳамидов** (Андижон вилояти телерадиокомпанияси бош режиссёри), **Кенжа Курбонбоев** (Хоразм вилояти телерадиокомпаниясининг бош режиссёри)га;

«Энг яхши тележурналист» мукофоти — **Тошпўлат Тугалов** (Самарқанд вилояти телевидениесининг гуруҳ раҳбари), **Абдураҳмон Насриддинов** (Наманган вилояти телевидениесининг бош муҳаррири), **Нилуфар Жумаева** (Бухоро вилояти телевидениесининг муҳаррири)га;

«Энг яхши тасвирчи» мукофоти — **Камол Маматов** (Сурхондарё вилояти телевидениесининг тасвирчиси), **Асенбой Аскаров** (Қорақалпоғистон Республикаси телевидениесининг тасвирчиси)га;

«Энг яхши диктор» мукофоти — **Зокир Аҳмедов** (Қашқадарё вилояти телевидениесининг диктори), **Машкура Раҳимова** (Навоий вилояти телерадиокомпаниясининг диктори)га;

РАДИОЭШИТТИРИШЛАР БЎЙИЧА:

Биринчи ўрин — Андижон ва Фарғона вилояти радиоижодкорларига;

Иккинчи ўрин — Самарқанд ва Хоразм вилояти радиоижодкорларига;

Учинчи ўрин — Наманган, Қашқадарё ва Бухоро вилояти радиоижодкорларига.

«Энг яхши радиожурналист» мукофоти — **Худойберди Каримов** (Жиззах вилояти радиосининг бош муҳаррири), **Зуфаржон Султонов** (Фарғона вилояти телерадиокомпанияси раисининг ўринбосари)га;

«Энг яхши режиссёр» мукофоти — **Елмурод Есемуродов** (Қорақалпоғистон Республикаси радиосининг режиссёри)га;

«Энг яхши диктор» мукофоти — **Муслима Муродова** (Сурхондарё вилояти радиосининг диктори), **Турсуной Зокирова** (Жиззах вилояти телерадиокомпаниясининг диктори)га бериладиган бўлди.

«ОЗОД ЭЛИМ — ОЙДИН ЙЎЛИМ»

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси таҳририят бўлим мудири Алишер Рўзиевга падари бузруквори **Жўра РЎЗИЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика Кўчмас мулк биржаси Бошқаруви ва жамоаси Савдоларни ташкиллаштириш, брокерлик идоралари билан ишлаш ва реклама бошқармаси бошлиғи Шуҳрат Ҳайитовга волидаи муҳтарамаси **Шафоат ҲАЙИТОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.
Navbatchi Farruh HAMROYEV
Gazeta «Ozbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
G — 1068
10476 nusxada bosildi
uzb ovozi@sarkor.uz.
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.30
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA